

Ў Бунни олдини олиш учун экиш вақтида ўғит билан бирга уруғ экилса кучатни танаси қишгача бақувват бўлиб совуққа чидамлилиги ортади.

Ў Қиш ойлари ўта совуқ ва ёғингарчилик миқдори кўп кузатилса буғдойга қишда чилла суви берилмайди, чунки сувдан кейин далада муз қатлами пайдо бўлиб кўчатларни маълум қисми нобуд бўлади.

Ў Бахор ойларида намгарчилик ортиқ бўлиб ёғингарчилик кўп бўлса суғориш ишларини далани тупроқни шароитидан келиб чиқиб белгилаш керак.

Ў Бахорда хароратни кам бўлиши зарақунандалардан занг кўп бўлиши кузатилади ва бегона ўтлар меёрдан



ортиқ кўпайиб кетиши мумкин, бунни олдини олиш учун занг касалига қарши химиявий ишлов бериш керак ва хар гектар майдонга 20-25 грамм Гранстар сепиш талаб этилади, бундай йилларда бегона ўтларни 1-2 марта қўл кучи ёрдамида тозалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ў ахор серёғин келса бегона ўтлар ривожланиб далада қўшимча масса хосил бўлади бунни натижасида ғалла хосили етилиш вақтида ётиб қолиши мумкин натижада 20-30% хосил йўқотилиши мумкин.

Ў Хосилни йиғиштиришни ҳам одатдаги йилларга нисбатан кечиктирмаслик лозим сабаби бегона ўтлар ривожланишда давом этиб ўрчим йиғим ишларида муаммолар туғдириши мумкин ҳамда хосил сифатини паст бўлишига сабаб бўлади.



RESEARCH  
PROGRAM ON  
Dryland Systems



## Об-хаво шароитига қараб амалга ошириладиган агротехник вазифалар БУҒДОЙ



**(CRP 1.1. лойихаси бажарилиши  
даврида берилган тавсиялар)**

**Ноябрь - 2015 й.**

## Об-хаво қурғоқчилик келган йиллари ғалладан юқори хосил олиш учун амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Дехқончиликда ота-боболаримиз йилни қандай келишини олдиндан табиатдаги юз берадиган ходисаларга қараб аниқлаганлар. Кузатувларга асосан ҳар йили Қува тумани шароитида 10-25 -сентябр оралиғидаги ходисаларни асос қилиб олганлар, бу даврни дехқонлар тилида “қийғир” келиши деб атайдилар.

Ў Қийғир келиши асосан 20-22 сентябрга тўғри келса, яъни шу кунлари шамол булиб ёмғир ёғса куз, қиш ва ёз барқарор, кўп йиллардагидек келади.

Ў Агар юқоридаги ҳолат эрта 10-12 сентябр кунларига тўғри келиб шамол ва ёмғир ёғса куз қуруқ, қиш кам ёғин ўта совуқ, баҳор эса серёғин, ёз қуруқ ва иссиқ келади.

Ў Агар юқоридаги ҳолат 15-18 сентябрга тўғри келса, қаттиқ шамол бўлса, ёмғир ёғмаса, куз ва қиш серёғин, баҳор салқин, ёзни боши салқин намгарчилик ортиқ бўлади. Иссиқ об-хаво асосан ёзни иккинчи ярмига тўғри келади.

Йилни қуруқ келишини аниқлаб олган тажрибали дехқонлар қузғи буғдой парваришида барча қўзланган тадбирлар дала нам сиғимини ошириш яъни тупроқда намни кўпроқ тўплашга қаратилиши лозим.

Ў Буғдой экишда иложи борича ерни хайдов қилиб экишга эътибор бериледи.

Ў Қатор орасига экилаётган буғдой майдонларида ер таёрлашда қатор орасини 15-25 см чуқурликда юмшатгичда (рехлитель) бўшатиб экиш.

Ў Кузда буғдойни ундириб олгандан кейин адир зоналарида 2 марта, қишда бир марта суғориш талаб этилади.



Механик таркиби оғир ва енгил тупроқли ерларга экилган буғдойларга кузда 2 марта суғориш зарур. Таркиби енгил тупроқларда энг камида бир марта суғориш лозим. Шўрланган майдонга экилган бошоқли буғдой кузда 2 марта, қишда эса бир марта суғорилиши мақсадга мувофиқ. Қумли ерларда энг камида баҳоргача 3 марта суғориш ишларини ташкил қилиш лозим.



Ў Нам сақлаш мақсадида куздаги суғоришни ҳеч бўлмаса бир мартаба шарбат усулида амалга ошириш яхши самара беради.

Ў Имконият бўлса қуруқ об-хаво келган йиллари, кузда суғориладиган ерларга 50 кг Калий, 100 кг дан мочавина ўғити солиб суғориш мақсадга мувофиқ.

Ў Об-хаво қуруқ келган йиллари суғориш ишларини кечки пайт бошлаб, тунда суғориш керак.

Ў Эгатларга тузалаётган сув миқдорини тупроққа кўпроқ нам сингадиган қилиб тузалиши шарт, эгатларга ортиқча сув тузалса кўп пайнов суви булиб, озик моддаларини ювиб кетиши мумкин.

Ў Об-хаво қуруқ келаётганини сезган дехқон экилаётган уруғни чуқурроқ 4-5 см да қўмилишини тامينлаши керак, бунда буғдойни илдиз бўғини чуқурроқ жойлашади ва илдиз бўғзи яхши ривожланади.

Ў Биринчи сувга жуда қатта эътибор бериш керак, чунки намлик майдонни ҳамма жойини бир хил таъминлаш керак, нам етарли бўлмаса кўчат ола чиқади. Сизот сувлари чуқур жойлашган механик таркиби оғир ва адирлик жойларда уруғни текис ундириб олиш учун, ва илдиз бўғинини шакллантириш ва тупланишни яхшилаш учун икки-уч марта сув қўйишга тўғри келади.

Ў Об-хаво қуруқ ва ҳарорат одатдагидан юқори бўлса гуллаш ва пишиш даврида ҳам 2 марта суғориш талаб этилади.

## Об-хаво намгарчилик келган йиллари ғалладан юқори хосил олиш учун амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Дехқончилик қилишда табиат инжиқликларидан бири бу ноқулай об-хаво шароити, хусусан хавони ҳар йилгидан паст келиши, ҳароратни паст бўлиши ёки ёғингачилик миқдорини кўп бўлишидир.

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки шундай серёғин йилларда ҳам тўғри агротехника тадбирлари қўлланиб юқори хосил олиш мумкин.



Ў Аввало қузғи буғдой экилишидан олдин об-хаво қандай келишини имкон даражасида ўрганиш керак, расмий маълумотларга мурожаат қилиш лозим.

Ў Уруғ танлашда совуқ ва намга чидамли бўлган навларини танлаб экиш керак. Экишни тупроқ шароитидан келиб чиқиб энг мақбул ва қисқа муддатларда яқунлаш лозим.

Ў Уруғни бир текис ундириб олиш хосилдорликни белгилашда жуда муҳим роль ўйнайди. Аввало уруғни белгиланган меърада экилишини таъминлаш керак, энг мақбул кўчат қалинлиги 1 м<sup>2</sup> да 350-400 тани ташкил этиши лозим.

Ў Иложи борича қиш ойларида қолмасдан кўчатни ундириб олиш зарур. Акс ҳолда қишдаги совуқ хаво таъсирида нимжон кўчатлар қишлоқдан чиқа олмай нобуд бўлиши мумкин.